

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ОМОНОВ ОЙБЕК АВАЗХОНОВИЧ

**ЎТ ЙЎЛЛАРИ ПРОКСИМАЛ ЎСМАСИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА
ОПТИМАЛ ДАВО-ДИАГНОСТИКА ТАКТИКАСИНИ ТАНЛАШ**

14.00.27 - Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Омонов Ойбек Авазхонович

Ўт йўллари проксимал ўсмаси бўлган беморларда оптимал даво-
диагностика тактикасини танлаш 3

Омонов Ойбек Авазхонович

Выбор оптимальной лечебно-диагностической тактики у больных с
проксимальными опухолями желчных протоков 21

Omonov Oybek Avazhonovich

Choice of the optimal treatment-diagnostics tactics in patients with tumors
of proximal bile ducts 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ОМОНОВ ОЙБЕК АВАЗХОНОВИЧ

**ЎТ ЙЎЛЛАРИ ПРОКСИМАЛ ЎСМАСИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА
ОПТИМАЛ ДАВО-ДИАГНОСТИКА ТАКТИКАСИНИ ТАНЛАШ**

14.00.27 - Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib105 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Акбаров Миршавкат Миролимович тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Гофур-Охунов Мирза Алиярович тиббиёт фанлари доктори, профессор Арипова Назира Уктамовна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	«В.А. Вишневский номи миллий тиббиёт-тадқиқот хирургия маркази» федерал давлат бюджет муассасаси (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик халқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (32-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик халқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «ўт йўллари проксимал қисмларининг ўсмаси (ЎЙПЎ) ўт йўлларининг барча ўсмалари таркибида 10-26% ни ташкил қилади. Учраш частотаси 100 000 аҳолига 2 ва 8 орасида учрайди»¹. Жигар дарвозаси соҳасида жойлашган ўсмаларнинг клиник кўринишларига илк бор 1957 йилда таъриф берилган. 1965 йилда немис морфологи Клатскин (Gerald Klatskin) «умумий жигар ўт йўли ва унинг бифуркацияси саратони» билан кўплаб беморларни кузатганини чоп этди². Турли манбалар маълумотларига кўра, «ЎЙПЎ билан беморларнинг ўлим кўрсаткичи 10,2 дан 38% гача, радикал амалиётлардан кейин эса 5 йиллик яшаб қолиш кўрсаткичи 22% дан ортмайди»³. Шу сабабли, ушбу жуда оғир гуруҳдаги беморларни олиб боришга анъанавий ёндашишларни қайта кўриб чиқиш зарурати янада кескин ҳис қилинмоқда.

Дунё миқёсида гепатобилиар хирургиянинг ривожланишида ЎЙПЎ да радикал амалиётлар энг мураккаблардан ҳисобланади. Бу, бир тарафдан, механик сариклик ва унинг асоратлари, иккинчи тарафдан, ўсманинг жигар дарвозасининг қон томир структураларига яқин жойлашганлиги туфайли беморлар аҳволининг тез ёмонлашиб кетиши билан боғлиқдир. Шунинг учун, билиар томирларни енгиллаштиришга қаратилган паллиатив амалиётлар кенг тарқалган. ЎЙПЎ билан беморларни текештириш замонавий усулларининг имкониятларини баҳолаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бугунги кунда ЎЙПЎ билан беморларни миниинвазив текшириш ва даволаш усулларининг имкониятларини аниқлаш масалалари энг долзарб бўлиб қолмоқда. Шу жумладан, ЎЙПЎ билан беморларни хирургик даволашнинг яқин ва узоқ муддатдаги натижаларини ўрганиш ва шу беморлар гуруҳида даволаш-ташхислашнинг оптимал алгоритмини ишлаб чиқиш масалалари ҳам аҳамиятли ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш шароитида, кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг юқори сифатини таъминлаш устувор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу борада, хусусан, ЎЙПЎ бўлган беморлар диагностика ва хирургик даволаш борасида муайян ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бирга, ЎЙПЎ билан беморларга хирургик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида паллиатив ва радикал хирургик амалиёт самарадорлигин баҳолаш, турли хирургик амалиётлардан кейин яшаб қолишни баҳолаш бўйича илмий асосланган натижалар зарур. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини

¹ World Health Organization. Proximal Bile Ducts Tumor: fact sheet no.125. World Health Organization website. 2014. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs346/ru>, accessed March 12.

² Klatskin G. Adenocarcinoma of the hepatic duct at its bifurcation within the porta hepatis // Am. J. Med. - 1965. Vol. 34. - P. 241-256

³ Nimura Y. Radical surgery of left-sided klatskin tumors. //HPB (Oxford). 2008; 10(3): P168-70.

ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган⁴. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, паллиатив ва радикал амалиётларга кўрсатмаларни оптималлаштириш ва тактик-техник жиҳатларини такомиллаштириш йўли билан ЎЙПЎ билан беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. «Замонавий хирургик гепатологиянинг сезиларли ютуқларига қарамай, проксимал ўт йўллари ўсмалари билан беморларни даволаш долзарб муаммолигича қолмоқда» (Вишневский В.А.⁵). «Сўнгги йилларда, радикал ва ўтти чиқарувчи очик паллиатив амалиётлар такомиллаштирилиши билан бир қаторда, операция бажариб бўлмайдиган ЎЙПЎ билан беморларда ўтти чиқарувчи ташқи ёки ташқи-ички миниинвазив «ёпиқ» усуллари фаол татбиқ этилмоқда. Бироқ, ЎЙПЎ билан ўт чиқишининг тўсиб қўйилиши сатҳидан келиб чиқиб, ўтти чиқаришининг «ёпиқ» конкрет усулини танлаш адабиётларда етарлича ёритилмаган. Якуний даволаш усули сифатида яқин ва узок муддатдаги натижалар асосида миниинвазив «ёпиқ» амалиётлар самарадорлиги объектив баҳоланмаган» (Nagino M. с соавт.⁶)

ЎЙПЎ ни кесиб олиш эҳтимоллигининг пастлиги, радикал ва паллиатив амалиётлардан кейин салбий оқибатларнинг юқори частотаси сабабли хирургик даволаш ўзига хос қийинчиликлар касб этади. Suarez-Munoz M.A.⁷ фикрига кўра, «бу бир тарафдан, кеч ташхислаш ва кўпчилик беморларда кучли механик сариқлик борлиги, иккинчи тарафдан – ўсманинг жигар дарвозасида, дарвоза вена ва жигар артериясига ноаниқ яқинликда

⁴ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

⁵ Вишневский В.А. Отдаленные результаты радикальных и условно радикальных резекций при воротной холангиокарциноме / В.А. Вишневский, М.Г. Ефанов, Р.З. Икрамов, Н.А. и др. // Анналы хирургической гепатологии. – 2013.- Т.18. - №2. - С. 9 – 20..

⁶ Nagino M. Evolution of surgical treatment for perihilar cholangiocarcinoma: a single-center 34-year review of 574 consecutive resections. / M. Nagino, T.Ebata, Y.Yokoyama, et al. // Ann Surg. – 2013. – Vol.258. -№1. – P.129-140.

⁷ Suarez-Munoz M.A. Risk factors and classifications of hilar cholangiocarcinoma / M.A. Suarez-Munoz, J.L. Fernandez-Aguilar, B. Sanchez-Perez, et al. // World J Gastrointest Oncol. - 2013. - Vol.5. - No.7. - P.132-138.

жойлашганлиги ва жигар дарвозасида йўллари кесиш ва ўтчи чиқарувчи анастомозлар шакллантиришга ўзига хос ҳавф касб этиши билан боғлиқ».

AJCC (American Joint Committee on Cancer, New York/London, USA)⁸ маълумотлари кўра, «ЎЙПЎ да амалиётлар радикалигини орттиришга интилиш ва хирургик даволашнинг узок муддатдаги натижаларини яхшилаш жигар резекциясининг янада кенгайтирилган ва комбинациялашган усулларни кенгроқ қўллашни назарда тутди». Schiffman S. фикрига кўра, «ўсма жигар бўлаги ўт йўлининг жигаричи қисмига бир томонлама тарқалганидагина эмас, конfluence соҳасида жойлашганида ҳам жигар билан бирга ўт йўллари резекциясини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган»⁹. Wang Y³ бошчилигидаги муаллифлар жамоаси ЎЙПЎ резекциясида прогностик омилларнинг мультивариант қиёсий таҳлилининг ўтказдилар: «ўсманинг гистологик дифференцировкаси, ўсма склерозининг интенсивлиги, ўсишнинг тури, ўсманинг босқичи ва резекциянинг радикалиги (кесимларнинг четлари). Узок вақт яшаб қолиш учун амалиётнинг радикалиги энг муҳим омил, деб топилди».

Адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, ЎЙПЎ бўлган беморларни хирургик даволаш натижалари анча яхшиланган, шу билан бирга, амалиётгача бўлган ташхислаш усулларини янада такомиллаштириш, даво-диагностика алгоритмининг ишлаб чиқиш, ўсма жараёни босқичи, ўсма тури ва тарқалганлигига боғлиқ равишда тактикани аниқлаш ва хирургик даво усулини танлаш энг асосий долзарб ва ҳал қилувчи муаммо бўлиб ҳисобланади ва у даволаш-ташхислаш тактикасини янада такомиллаштиришни талаб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти №А-9-090 «Механик сариклик билан асоратланган гепатопанкреатобилиар соҳа касалликларида ташхислаш ва хирургик даволашнинг такомиллаштирилган усулларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш» (2012-2016 йй.) илмий-амалий дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўт йўллари проксимал ўсмаси бўлган беморларда даво-диагностика тактикасининг оптималлаштириш ҳисобига даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўт йўллари проксимал ўсмаси бўлган беморларда замонавий клиник ва инструментал текширув усулларининг имкониятларини баҳолаш;

механик сариклик билан асоратланган ўт йўллари проксимал ўсмаси бўлган беморларда декомпрессиянинг миниинвазив усулларининг имкониятлари ва ўрнини аниқлаш;

⁸ American Joint Committee on Cancer. AJCC cancer staging manual. 7th ed. New York/London: Springer; 2011

⁹ Schiffman S.C. Overall survival peri-hilar cholangiocarcinoma: R1 resection with curative intent compared to primary endoscopic therapy / S.C. Schiffman, N.P. Reuter, K.M. McMasters, et al.// J Surg Oncol. - 2012. - Vol.105. - No.1. - P.91- 96.

³ Wang Y. Surgical procedure and long-term survival of hilar cholangiocarcinoma / Y. Wang, H. Yang, C. Shen, et al.// Int J Clin Exp Med. - 2015. - Vol.8. - No.1. - P. 1122-1128..

ўт йўллари проксимал ўсмаси бўлган беморларни хирургик даволашнинг яқин ва узоқ муддатдаги натижаларини ўрганиш;

ўт йўллари проксимал ўсмасида оптимал даво-диагностика алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2000 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда «Академик В.Вохидов номли РИХИАТМ» ДУК жигар ва ўт йўллари хирургияси бўлимида хирургик даволанган 156 нафар беморлар олинган. Барча беморларга турли усулдаги хирургик амалиётлар ўтказилган. ЎЙПЎ бўлган беморлар диагностикаси ва хирургик даволаш сифатининг кўп омилли таҳлили тадқиқотнинг асосий объекти бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб хирургик тактика самарадорлиги, турли хирургик амалиётлардан кейинги асоратлар ва яшаб қолиш давомийлигининг таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: умумклиник, инструментал (ультратовуш, эндоскопик, эндобилиар, ангиографик ва радионуклид), морфологик ва статистик текширув усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўт йўллари проксимал қисми ўсмасининг клиник кечиши хусусиятлари тадқиқ этилган, даво-диагностика тактикаси ишлаб чиқилиб, хирургик даволашнинг турли усулларига бўлган кўрсатмалар оптималлаштирилган;

ўт йўллари проксимал қисми ўсмаси бўлган беморларни радикал даволашнинг босқичи сифатида миниинвазив эндобилиар амалиётларнинг бажарилиш услубияти ишлаб чиқилган;

ўт йўллари проксимал қисмининг зарарланиш тури, ўсма жараёни босқичи ва тарқалганлигига қараб хирургик даволашнинг тактик-техник жиҳатлари аниқланган ва ўт йўллари проксимал ўсмаси бўлган беморларни даволаш усулини танлашни унификация қилиш имконини берувчи оптимал даво-диагностика алгоритми ишлаб чиқилган;

ўт йўллари проксимал ўсмаси бўлган беморларнинг турли паллиатив ва радикал амалиётлардан кейин кумулятив яшаб қолиш кўрсаткичлари ўрганилиб, уларнинг прогностик аҳамияти ва касаллик рецидиви эҳтимоллиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўт йўллари проксимал ўсмаси диагностикасининг алгоритми ишлаб чиқилган бўлиб, ноинвазив ва миниинвазив текширув усулларининг аҳамияти ва кетма-кетлиги аниқланган ва амалиётларнинг натижаларини яхшилаган;

ўт йўллари проксимал ўсмасида ўт йўллари миниинвазив декомпрессияси қўлланишининг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

ўт йўллари проксимал ўсмасида жигар ва проксимал ўт йўллариининг резекциясини бажариш ўсманинг максимал резекция қилиб олишга эришиш, яшаб қолиш кўрсаткичларини ошириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган замонавий, амалиётда кенг қўлланувчи клиник, морфологик, статистик усуллар билан тасдиқланган. Олинган барча натижа ва хулосалар далилий тиббиёт принципларига асосланган. Статистик ишлов бериш олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти изланувчи томонидан олинган ҳолатлар, хулоса ва таклифлар ўт йўллари проксимал ўсмаси бўлган беморлар диагностикаси ва даволашга катта ҳисса қўшишидан иборат. Ўт йўллари проксимал ўсмаси бўлган беморларни радикал даволашнинг босқичи сифатида миниинвазив эндобилиар амалиётлар аҳамияти ва самарадорлигини ўрганиш даволаш тактикасини танлашни птималлаштириш имконини берган. Ишнинг айрим натижалари ўт йўллари проксимал ўсмаси бўлган беморлар диагностикаси ва даволаш бўйича магистрлар ва клиник ординаторларни ўқитиш дастурининг таркиби ва структурасини такомиллаштириш мақсадида қўлланиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ундаги асосий хулоса ва тавсиялар турли даражадаги тиббиёт муассасаларида ўт йўллари проксимал ўсмаси бўлган беморлар диагностикаси ва даволашда қўлланиши мумкинлигидан иборат. Ўт йўллари проксимал ўсмаси бўлган беморларда даво-диагностикасининг қўлланиши мақсадга мувофиқлиги исботланган бўлиб, иккинчи босқичда радикал амалиётлар ўтказиш имкониятлари кенгайган ва амалиётдан кейинги асоратлар ривожланиш ҳавфини камайтириш имконини берган. Ўт йўллари проксимал ўсмаси бўлган беморларда ишлаб чиқилган даво-диагностикаси алгоритмининг қўлланиши хирургик даволаш натижаларини яхшилаш ва яшаб қолиш муддатини узайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўт йўллари проксимал ўсмаси бўлган беморларни даво-диагностикаси оптимал тактикасини танлашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўт йўллари проксимал ўсмаси бўлган беморларда оптимал даво-диагностика тактикасини танлаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 31 январдаги 8Н-р/13-сон маълумотномаси). Ўт йўллари проксимал ўсмаси бўлган беморларни таклиф этилган тавсияларга асосан даволаш тактикани оптималлаштириш, амалиётдан кейинги асоратлар частотасини камайтириш, яшаб қолиш муддатларини узайтириш имконини берган;

ўт йўллари проксимал ўсмаси бўлган беморларда оптимал даво-диагностика тактикасини танлашга бағишланган тадқиқотнинг олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, академик В.Вохидов номли Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, Бухоро шаҳар кўп тармоқли тиббиёт маркази, Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт маркази амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 8Н-д/36-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Тадқиқотдан олинган натижалар

ва таклиф этилган даво-диагностика алгоритми юқори сезгир ва махсус текширув усулларини ўз ичига олиб, ўсма жараёнини эрта аниқлаш, унинг тарқоқлигини баҳолашни таъминлаган ва ўсмани резекция қилиш кўрсаткичини 5% дан 15% гача ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 4 та халқаро ва 6 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 5 та мақола, улардан 1 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Ўт йўллари проксимал ўсмаси бўлган беморларда даво-диагностика усулларининг замонавий жиҳатлари**», деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи, ЎЙПЎ муаммосининг замонавий ҳолати, уларнинг жойлашувига қараб босқичлари ва турлари ҳақида маълумот берилган тўртта бўлим келтирилган. Паллиатив ва радикал амалиётнинг турли услублари баён этилган. Бироқ, ўтти олиб кетишнинг паллиатив ва радикал амалиётларнинг кўплаб вариантлари борлигига қарамасдан, билиар йўллар ва механик сариклик ҳолати яллиғланиш даражасига боғлиқ бўлган билиар йўллар декомпрессиясига қўлланадиган услублар имконияти борасидаги муаммолар охиригача ечилмай қолмоқда. Шунингдек, механик сарикликда бирмунча ҳаёт давомийлигини таъминловчи даволаш-ташхислаш усулларини такомиллаштиришни талаб этувчи паллиатив ва радикал амалиётларни амалга ошириш имконияти борасидаги саволлар ҳам баҳсли бўлиб қолмоқда.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материали ва услубларининг клиник тавсифи**», деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали ва услубининг тавсифи келтирилган. Академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказида 2000-2016 йиллар мобайнида ЎЙПЎ бўлган 156 нафар бемор даволанган. Беморлар ёши 21 ёшдан 90 ёшгача бўлиб, аксарияти меҳнатга лаёқатли ёшда. Ўртача ёш $62,8 \pm 9,7$ ни ташкил этди. Эрак беморлар 74 та (47,4%), аёллар – 82 та

(52,6%). ЎЙПЎ бўлган беморлар кўп ҳолатларда клиник даволашга касалликнинг кеч (III-IV) босқичларида мурожаат қилишган. Касалликнинг I босқичи – 1 та бемор (0,6%), II босқич – 18 та бемор (11,6%), III босқич – 58 та бемор (37,1%), IVa – 45 та бемор (28,8%), IVb босқич (жигар метастази ёки канцероматоз) – 34 та беморда (21,7%) аниқланган.

Bismuth-Corlette таснифига кўра ўсманинг I типи 18 та беморда кузатилди (11,5%), II – 26 та (16,6%), III a – 17 нафар (10,9%), III b – 31 та (19,9%) ва IV тип 64 та беморда ташхисланди (41,1%). 33 (21,1%) та беморда турли миниинвазив декомпрессия усули амалга оширилди, 78 та (50%) беморда – ўт йўллари оператив декомпрессия бажарилди.

ЎЙПЎ бор бўлган 156 беморда ўсманинг IV босқичи ва Bismuth-Corlette бўйича ўсманинг IV тури бўлган, касаллик оғир кечаётган 6 та (3,8%) беморга амалиёт бажарилмаган.

Паллиатив амалиётлар 119 та (76,2%) ҳолатда амалга оширилди. Беморлардаги резекция қилиб бўлмайдиган кўплаб метастазда ва операция қилинмайдиган ҳолатда декомпрессиянинг миниинвазив усули амалга оширилди. 33 нафар (21,1%) беморда тери орқали жигар орқали холангиостомия (ТЖХС), 13 та (8,3%) мижозда – хирургик даволашнинг сўнгги тури бўлган жигар йўли ўсмали торайиши эндопротезланди. Резекция қилиб бўлмайдиган ЎЙПЎ амалиёт вақтида аниқланган 17 та (10,8%) беморда ўсманинг паллиатив резекцияси ва жигар орқали найчаларда Ру бўйича билиодигестив анастомоз бажарилган. 61 та (39,1%) ҳолатда билиодигестив анастомоз шаклланиши учун шароит йўқлиги сабабли ўт йўлини ташқи дренаж қилиш билан ўсмани қайта канализациялаш амалга оширилди.

31 та (19,8%) беморга радикал амалиёт бажарилди. Улардан 19 тасига (12,1%) жигар ўт йўлини ўсма билан бирга кесиб олинди ва билиодигестив анастомоз шакллантирилди. 12 та (7,6%) ҳолатда жигар ва жигар йўли билиодигестив анастомозни шакллантириш билан кесилди.

Диссертациянинг «**ЎЙПЎ бўлган беморлар диагностикаси хусусиятлари**», деб номланган учинчи бобда ЎЙПЎ бўлган беморлар диагностикасининг барча услублари таҳлили келтирилган. ЎЙПЎ билан беморларни хирургик даволаш услуби, ҳажми, усулини танлаш учун ўсманинг босқичи, тури ва тарқалганлиги ҳақида тўлиқ маълумот олиш мақсадида объектив ташхислаш зарур. Бу эса клиник белгилар; лабораториявий услублар (қон ва сийдикнинг умуклиник таҳлили, қоннинг биокимёвий таҳлили, онкомаркерлар); инструментал услублар (рентген, УЗД, МСКТ, МРТ); билиар йўллари текширишнинг тўғридан-тўғри контраст услублари (ЭРПХГ, ТЖХГ); шунингдек, ангиография ва лапароскопияни ўз ичига оловчи комплекс ташхислаш зарурияти билан боғлиқ.

Барча 156 бемор механик сариклик клиникаси билан келиб тушган ёки анамнезда сариклик ҳақида маълумот бўлган. Сариклик даврининг давомийлиги 1 ҳафтадан 2-3 ойгача ва ундан ҳам кўпроқ бўлган. Комплекс муолажанинг таҳлили сариклик даври оқибатлари ва муолажанинг у ёки бу

услубини кўллашнинг тараққиёти ўртасидаги аниқ корреляцияланган алоқани кўрсатди.


МСКТ текшируви ЎЙПЎ билан 46 та (29,4%) беморда ўтказилди. 32 та (69,5%) беморда ўсмани визуаллаштиришга эришилди, 17 та (36,9%) ҳолатда эса – контрастли текширувда аниқлаш имкони бўлди. 19 та (12,1%) ҳолатда МСКТ ўсманинг тўғридан-тўғри ва билвосита операция қилиб бўлмайдиган белгиларини аниқлашга ёрдам берди ва бу радикал операциядан воз кечишга асос бўлди. МСКТ нинг муҳим ташхислаш вазифаларидан бири – жигардаги метастазни аниқлашдан иборат. 7 та (15,1%) кузатувда жигарда mts аниқланди. ЎЙПЎ ни ташхислашда ҳақиқий ёриқ МРТ да МРХПГ режими қўлланганда кўринди. МРХПГ режимдаги МРТ текшируви 80% ҳолатда ўсмани олиб ташлаш имкониятини аниқлашга ёрдам берди. 46 нафар бемордан 37 тасида МРТ текширувида ЎЙПЎ ташхиси кўйилди. Ушбу услуб сезгирлиги 90% ни, спецификлиги 83,3% ни ва умумий аниқлик 89,1% ни ташкил этди. МСКТ ва МРТ ёрдамида ЎЙПЎ ни амалиётгача босқичда амалиёт бажариш имкониятини баҳолаш хирургик даволаш усулини аниқлашга ёрдам беради. Амалиёт бажариш имконсизлиги тўғридан-тўғри ва билвосита белгиларини аниқлаш (III-IV босқичлар) радикал ёки кенгайтирилган амалиётлар бажаришга қарши кўрсатма бўлиб ҳисобланади.

Рентгенэндоскопик текширувнинг яна бир юқори информатив услубларидан бири 97 та (62,1%) беморда ўтказилган эндоскопик ретроград панкреатохолангиография (ЭРПХГ) ҳисобланади. Проксимал тўсиқни аниқлашда ЭРПХГ га таъсирчанлик, бизнинг маълумотларга кўра 95-97%ни ташкил этди. 45 та (46,3%) беморда ЭРПХГ обструкциянинг юқори жойи ҳолати ва йирингли холангит ривожланиши ҳақидаги маълумотларнинг йўқлиги сабаб манипуляциядан 1-3 кун ўтиб ЧЧХС ўтказишга сабаб бўлди. 4 та (4,1%) беморда эндопротезлаш паллиатив тўхтатишнинг сўнгги тури сифатида бажарилди. 17 та беморда ЭРПХГ дан кейин холангит клиникаси ривожланди, 6 та беморда ўткир панкреатит пайдо бўлди. Барча ҳолатларда ижобий натижалар билан консерватив чора-тадбирлар ўтказилди. 16 та (16,4%) беморда ЭРПХГ билан бир вақтда ТЖХГ бажарилди (ўт йўлини тўғридан тўғри кўшалок контрастлаш), бу эса ўсма стриктураси кўлами ва оператив муолажанинг кейинги усуллари аниқлашга имкон берди. 16 ҳолатнинг барчасида текширув ўт йўлини тери орқали дренажлаш билан яқунланди. 3 та ҳолатда йирингли холангитнинг мавжудлиги сабаб билиар йўлини соғломлаштириш муолажалари ва бактерияларга қарши воситалар киритиш учун ўт йўли назобилиар дренажланди. ЭРПХГ текширувнинг 6 та (6,1%) ҳолатида биопсия учун шиллик ички тўқималардан материал олинди; 5 та ҳолатда гистологик текширувда ўт йўли саратони (холангиокарцинома) аниқланди.

Тери орқали жигар орқали холангиография (ТЖХГ) ўт йўли обтурациясининг проксимал даражаси ва ўсманинг ўт йўлида тарқалганлигини аниқлаш учун юқори информатив ҳисобланади. ТЖХГ сезгирлиги – 95,2%, спецификлиги – 87%. ТЖХГ ЎЙПЎ да билиар йўл

яллиғланиши хусусиятини аниқлашда амалиёт бажариш имкониятини «олтин стандарт» бўлиб қолади. Тери орқали жигар орқали холангиостомия (ТЖХС) амалга оширишга ёрдам беради – бу проксимал ўсма блокланган беморларда радикал операциядан олдин ёки паллиатив тўхтатишнинг сўнгги турида билиар тракт декомпрессияси олдини олишнинг ягона реал усулидир. 72 та (46,1%) ЎЙПЎ ли беморларда ТЖХГ қилинди. 100% ҳолатда блокланишнинг проксимал даражаси аниқланди. Биздаги маълумотларга кўра, услуб сезгирлиги 95% ни ташкил этди. УТТ ва КТ клиник текширув натижаларига кўра, 33 та (45,8%) беморда билиар дарахтни ташқи ёки ташқи-ички дренажлаш туфайли касаллик формаларининг тарқалиши аниқланди. 39 нафар (54,2%) беморда декомпрессия ва радикал ёки шартли радикал операцияга тайёргарлик босқичи сифатида жигар етишмовчилигини камайтириш мақсадида ўт йўли ташқи дренажланди.

Биз тиббиётнинг ишончли талабларига мос келадиган ва даволаш-ташхислаш алгоритми асоси бўлиб хизмат қила оладиган асосий ва қабул қилинган ташхислаш услублари камчиликлари, имкониятларини таҳлил қилдик (1-расм).



1-расм. ЎЙПЎ билан беморлар муолажаси натижаларини ҳисобга олиб, ушбу касалликка нисбатан қуйидаги асосланган муҳокама тақдим этилади:

- даволаш усули фаол индивидуал бўлиши керак;

- ташхислаш комплексида етакчи ўринни махсус рентгенэндобилиар услуб эгаллайди, ушбу метод фақатгина ЎЙПЎ ни аниқлабгина қолмасдан, балки унинг турини Bismuth-Corlett бўйича аниқлайди;

- муолажани механик сариқ касаллигида билиар дарахтни адекват дренажлашни қайта тиклаш, бактерияларга қарши терапия олиб бориш, инфузиявий терапия билан гомеостазни тузатиш учун бартараф этишдан бошлаш лозим;

- оператив муолажа рентгенэндобилиар тўхтатиш ёки очик операциялар билан амалга оширилади; норезектабелли ЎЙПЎда танланган услуб ташқи-ички дренажлаш ёки эндопротезлаш билан сафро чиқарувчи йўллар декомпрессиясини рентгенэндобилиар ёрдамида тўхтатиш ҳисобланади;

- лапаротомияда кейинги усул жараён тарқалганлигига кўра интраоперациявий аниқланади; радикал амалиёт мумкин бўлмаганда ўсмани палииатив резекцияси ва жигар орқали найчаларда Ру бўйича билиодигестив анастомозни шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Анъанавий ва эндобилиар услублар аҳамияти ҳисобга олиниб, келтириб ўтилган даволаш-ташхислаш алгоритмлари, ЎЙПЎ бор бўлган беморларга ёрдам кўрсатганда уларнинг оқибатлари тиббиётнинг ишончли талаблари ва хирургия амалиётига мос келади.

Диссертациянинг «**ЎЙПЎ да паллиатив амалиётларга кўрсатмалар ва уларнинг натижалари**», деб номланган тўртинчи бобдаги маълумотлар бобнинг номланишига мос. Сариқлик миқёсида бажарилган аралашувлар юқори леталлик ва эрта операциядан кейинги даврда оғир асоратлар билан боғлиқ: ўт йўли обтурацияси камчиликлари бартараф этилганига қарамасдан, жигар етишмовчилиги ривожланиб бормоқда. Билиар гипертензия декомпрессияси учун қуйидаги миниинвазивли амалиётлардан фойдаландик: рентгенэндобилиар (ташқи, ташқи-ички дренажлаш ёки эндопротезлаш (стентлаш) билан тери орқали жигар орқали холангиография); эндоскопик (папиллосфинктеротомия ва билиодуоденал девор ўрнатиш билан эндоскопик ретроград панкреатохолангиография, назобилиар катетерли дренажлаш).

72 та (46,1%) беморда рентгенэндобилиар амалиётлар амалга оширилди. 39 та (54,2%) беморда декомпрессия ва радикал ёки шартли-радикал операцияга тайёрлаш босқичи сифатида жигар етишмовчилигини камайтириш мақсадида ўт йўли ташқи дренажланди. Декомпрессив чоратадбирлар қаторида дезинтоксикацион, инфузиявий ва гепатотропли терапия олиб борилди.

72 нафар бемордан 33 та (45,8%) беморда УЗД ва КТ клиник текшируви маълумотларига кўра, касаллик формаларининг тарқалганлиги аниқланди. Чунки ушбу миждозларда билиар дарахти ташқи (10) ва ташқи-ички (14) дренажланган эди. Агар ўсма стриктураси 5 см дан ошмаган бўлса, билиобилиар девор (протез) ўрнатишга ҳаракат қилинди. 9 та (27,2%) беморда эндопротезлаш ТЖХС орқали амалга оширилди. 19 нафар беморда ТЖХС ва умумий аҳвол яхшиланганидан кейин қониқарли натижалар билан радикал операция қилинди.

Шундай экан, тери орқали, жигар орқали эндобилиар тўхтатиш ҳаракати юқори ташхислаш информативлиги билан бир қаторда беморларни жигар етишмовчили ҳолатидан олиб чиқиб ва ижобий даврда радикал ёки шартли-радикал операция қилишга имкон бериб самарали даволашни акс эттиради. Касалликнинг тарқалган кўринишларида ва радикал оператив тўхтатиш ҳаракатларига қарши бўлганда, ТЖХС эндопротезлаш ЎЙПЎ бўлган беморларга ёрдам кўрсатишнинг ягона йўли ҳисобланади.

ЭРПХГ 97 нафар беморда ўтказилди, 69 таси (71,1%) – ташхислаш мақсадида 4 та (4,1%) беморда эндопротезлаш паллиатив тўхтатиш ҳаракатининг сўнгги тури сифатида қўлланилди. 16 та (16,5%) беморда ЭРПХГ бир вақтнинг ўзида ТЖХГ билан бирга бажарилди (ўт йўлини тўғридан-тўғри қўшалок контрастирлаш), бу эса ўсма стриктураси кўлами ва кейинги оператив муолажа усулини аниқлашга имкон берди. Барча 16 та ҳолатда тадқиқот ўт йўлининг тери орқали дренажлаш билан яқунланди. 3 та ҳолатда йирингли холангит мавжудлиги сабаб билиар дарахт соғломлаштириш муолажаси ва бактерияга қарши воситалар киритилиши учун ўт йўли назобилиар дренажланди.

Паллиатив амалиётлар ЎЙПЎ билан 119 нафар (76,2%) беморда амалга оширилди:

- 17 та (14,2%) беморда ўсмани паллиатив резекцияси ва жигар орқали найчаларда Ру бўйича билиодигестив анастомозни шакллантирилди;

- 61 нафар (51,3%) беморда – ўт йўли ташқи дренажлаш билан ўсма обструкцияси қайта канализацияланди;

- 33 та (27,7%) миждозда - ТЖХС хирургик амалиётнинг сўнгги тури сифатида амалга оширилди, улардан 13 та (10,9%) ҳолатда ўсма стриктураси эндопротезланди;

- 8 та (6,8%) миждозда – жараён тарқалганлигига сабаб эксплоратив лапаротомия бажарилди.

Паллиатив амалиёт ЎЙПЎ нинг II босқичидаги 8 та (6,7%) ҳолатда, III босқичидаги 25 та (21%) ҳолатда, IVa босқичидаги 40 та (33,6%) ҳолатда, IVb босқичидаги 46 та (38,7%) ҳолатда амалга оширилди. Bismuth-Corlett таснифи бўйича ўсманинг кенгайишига йўл қўймаслик 6 та (5%) ҳолатда I типда, 17 та (14,3%) ҳолатда - II, 13 тасида (10,9%) – IIIa, 17 тасида (14,3%) – IIIb ва 66 та (55,5%) ҳолатда – IV типда кузатилди. I-II типларда амалиёт ўсмани вена дарвозаси ва шахсий жигар артериясига қараб ўсиши (TNM таснифи бўйича раkning IV босқичи) туфайли паллиатив хусусият касб этди.

119 та паллиатив амалиётдан кейин 58 та (48,7%) беморда асоратлар кузатилди: 61 тадан 29 тасида – ўсмани қайта канализациялаш ва ташқирига дренажлашдан кейин (47,5%); 17 тадан 4 тасида – билиодигестив анастомозни шакллантириб ўт йўлини паллиатив кесгандан кейин; 20 тадан 12 тасида - ТЖХС (60%) ва 13 тадан 9 тасида – эндопротезлашдан кейин (69,2%).

Паллиатив амалиётдан кейинги асоратлар таркибида, кўпинча, холангит (37,8%); ўткир жигар етишмовчилиги (22,5%); перитонит ривожланиши туфайли сафронинг сизиб чиқиши (10,8%); йирингли

асоратлар (6,3%); ошқозон-ичак ўткир яраларидан гемокоагуляция тизимида силжиш кўринишида операцион стресслар сабаб қон кетиши (протромбин индекснинг пасайиши, фибринолитик фаолликнинг ошиши, тромбоцитопения) – (5,4%).

Бирмунча ижобий натижалар ўсмани паллиатив резекцияси ва жигар орқали найчаларда Ру бўйича билиодигестив анастомозни шакллантиришда аниқланди. Шунга ўхшаш операциялар асосан ўсманинг III ва IV босқичларидаги 17 та беморда амалга оширилди. Операциянинг афзаллиги, жигар йўли конфлюенци кесилгандан кейин йўл бўйламасига кириш очилади ва жигарнинг иккала қисмидан ҳам сафронинг адекват оқиб кетиши учун қулай шароит яратилади. Ўсмани паллиатив резекцияси ва жигар орқали найчаларда Ру бўйича билиодигестив анастомозни шакллантирилиб, сафрони адекват чиқаришни таъминлайди ва сафро ҳамда электролитларни йўқотишни олдини лишга ва холангит частотаси билан дренажлашнинг ташқи тури билан таққослаганда камайтиришга ёрдам беради. Билиодигестив анастомоз етишмовчилиги профилактикаси ёки ўсма стриктураси рецидиви учун эрта ўрнатилган ТЖХС ёрдамида билиодигестив анастомозни жигар кўчириш дренажида шакллантириш мумкин. Асоратлар 4 ҳолатда кузатилди (23,5%). 2 та бемор вафот этди (11,7%). Асоратлар частотаси фарқи каминвазив тўхтатиш билан таққосланганда икки ёқлама аниқ Фишер мезонига кўра статистик ишончли ($p=0,01$) ва ташқи дренажлаш билан қайта канализациялаш билан таққослаганда ишончсиз ($p=0,15$). Барча гуруҳларда ўлим кўрсаткичи статистик ишончли ва фарқланмайди ($p=0,08$ ва $p=0,21$, Фишер мезони бўйича). Билиодигестив анастомоз шаклланишида холангит асоратлари частотаси 5,8% ни ташкил этди (37% - қайта канализациялаш ва ташқи дренажлашда, 45% - ТЖХСда ва 61,5% - эндопротезлашда, $p=0,041$ ва $0,006$ Фишер мезони бўйича).

Каплан-Мейер усули бўйича медиана яшовчанлик барча паллиатив амалиётлардан кейин 8,1 ой, интерквартал кўламда - 5,3-12,1 ойни ташкил этди. Энг катта ҳаёт давомийлиги билиодигестив анастомозни амалга оширишда аниқланди. ($p=0,04$ Гехан услуби бўйича) (2-жадвал).



Паллиатив амалиётдан кейин эрта даврда ўлимнинг асосий сабаби холангит ва жигар етишмовчилиги ҳисобланади. Биздаги маълумотларга кўра, энг яхши натижалар ички сафро чиқаришда амалиётдан кейинги узок даврда холангитнинг камроқ частотасини таъминловчи билиодигестив анастомозни шакллантириш билан жигар йўлини паллиатив кесишдан сўнг олинди. Билиодигестив анастомоз шакллантирилгандан кейин холангит 5,8% беморда ва 40% кўпроғида – билиар дарахтнинг ташқи декомпрессиясининг лапаром ва каминвазив тури очилгандан кейин кузатилди.

Диссертациянинг «**ЎЙПЎ ва уларнинг натижаларини таҳлил қилишда радикал хирургик амалиётларга кўрсатмалар**», деб номланган бешинчи бобда амалга оширилган радикал амалиётлар натижалари келтирилган.

Барча радикал амалиётлар (31) икки гуруҳга бўлинди: жигар ўт йўлини ўсма билан бирга кесиб олиш, билиодигестив анастомозни шакллантириш (19 та бемор); жигар тўқимаси жигар ўт йўли билан бирга резекция қилиш ва билиодигестив анастомозни шакллантириш (12 та бемор).

Барча радикал амалиётлар ўсманинг I, II ва кўпинча III (a, b) типларидаги беморларда Bismuth-Corlett таснифи бўйича ўсма жараёнининг I-IVa босқичларида амалга оширилди. Радикал хирургик амалиёт 1 та ҳолатда (3,2%) ўсма жараёнининг I босқичида бажарилди; 13 та (41,9%) ҳолатда – II босқичида, 11 та (35,5%) ҳолатда – III босқичида ва 6 та (19,4%) ҳолатда – IVa босқичида амалга оширилди. Bismuth-Corlett таснифи бўйича 13 та (41,9%) ҳолатда ўсманинг I типи, 10 та (32,3%) ҳолатда – II тип, 3 та (9,7%) ҳолатда – IIIa тип ва 5 та (16,1%) ҳолатда – IIIb типи бўлган.

Ўсманинг I-II типидида 19 та ҳолатда (61,3%) Bismuth-Corlett бўйича жигар йўли ўсма билан бирга ва гепатик ёки бигепатикэнтероанастомозни шакллантириш билан кесилди. Ўсманинг II, IIIa ва IIIb тип бўлган 12 та беморда (38,7%) жигар йўли ўсма билан бирга кесилди ва билиодигестив анастомоз қўйилди, бунда жигар резекцияси ҳам амалга оширилди. Ўсма жараёнининг локализацияси ва кўлампидан келиб чиқиб, жигар резекцияси турли ҳажмда олиб борилди (сегмент резекциясидан гемигепатэктомиягача).



2-расм. Жигар чап бўлагининг резекциясидан сўнг билиодигестив анастомозни шакллантириш (чапда) ва унинг яқунланган шакли (ўнгда)

Юқорида жигарнинг чап бўлаги резекциясидан сўнг билиодигестив анастомозни шакллантириш жараёни ва яқунланган шакли акс эттирилган (2-расм).

31 та радикал амалиётдан кейинги 16 та (51,6%) ҳолатда оғирлашиш юзага келди. 4 та (10,8%) беморда қайта лапаротомия қилиб кўрилди. Ўт йўли резекцияси билан амалиёт бажарилган беморлар орасида оғирлашиш жигар резекциясидагиларга қараганда кам: тегишли равишда, 19 тадан 7 та (36,8%) ҳолатда ва 12 тадан 8 та (66,6%) ҳолатда («хи-квадрат» услуби

бўйича таққослаганда, $p=0,0047$). Барча радикал операциялардан кейин 4 та бемор вафот этди (12,9%). 2 таси – ўт йўли ажратиб кесилгандан кейин, 2 таси – йўлларни жигар билан бирга кесгандан сўнг. Ўлим кўрсаткичи 10,5% ва 16,6% ни ташкил этди. Ўлим сабаблари орасида: 1 ҳолатда амалиётдан кейинги эрта даврда ўткир юрак-томир етишмовчилиги; 1 та беморда ошқозон-ичакдан қайта қон кетиши; 2 та бемор эса – жигар-буйрак етишмовчилиги ривожлангани сабабли йирингли холангит қайд этилди.

Радикал амалиётдан кейин 15 та бемор такроран касалхонага муурожаат этди: 10 та беморда ўсма рецидивлари аниқланди, 5 тасида – ўсма рецидивсиз билиодигестив анастомознинг чандикли стенози ташхисланди. Касаллик рецидиви 5 ойдан 5 йилгача бўлган муддатда кузатилди. Радикал амалиётдан кейин ЎЙПЎ рецидиви 1-5 йилдан кейин келиб чиқди. Кузатувларимизда радикал амалиёт бажарилган беморлар орасида 65% да 1 йилдан кейин, 23% беморда – 2 йилдан кейин ва 12% беморда – ва 3 йилдан кейин аниқланди.

Яшаб қолиш кўрсаткичи Каплан-Мейернинг кўпайтирувчи баҳо усулига кўра ҳисобланди. Узоқ муддатли натижалар 23 та беморда ўрганилди: 11 та беморда – ўт йўли кесилгандан кейин ва 12 тасида – ўт йўлини жигар билан бирга кесишдан кейин. Жами 12 та цензураланмаган (тугатирилган) кузатувлар (5/7) ва 11 та цензурилланган (тугатирилмаган) (6/5) аниқланди.

ЎЙПЎ да ўт йўли жигар билан бирга кесилгандан кейин яшаб қолиш медианаси 26,1 ойни, интерквартал кўламда – 11,6-53,2 ойни ташкил этди. Яшаб қолганларнинг кумуляция сони охирда 1, 2, 3 ва 5 йил бўлди, 83,3%, 58,3%, 50,0% ва 25,0%га мувофиқ.

Йўлларни кесишдан кейин яшаб қолиш медианаси – 25,8 ой, интерквартал кўламда – 12,4-48,8 ойни ташкил этди. Яшаб қолганлар сони охирда 1, 2, 3 ва 5 йилни ташкил этди, 78,9%, 57,9%, 42,1% ва 21,0%га мувофиқ.

ЎЙПЎнинг I-II босқичидаги беморларда радикал амалиётдан кейин ўт йўлини кесиш ва билиодигестив анастомозни шакллантиришда яшаб қолиш кўрсаткичи анча юқори бўлган: медиана – 35,9 ойни, интерквартал кўламда – 25,5-53,9 ойни ташкил этди. ЎЙПЎнинг III-IVа босқичидаги беморлар билан таққослаш учун – медиана 17,4 ой, интерквартал кўламда – 9,5-25,1 ойни ташкил этди (хи-квадрат мезони бўйича $p=0,031$).

Тадқиқот давомида ЎЙПЎ нинг II босқичидаги беморларда яшовчанлик I типидида II типидигиларга қараганда юқорироқ (1, 3 ва 5 йил): 86,1%, 67,3% ва 22,5% 76,8%, 47,6% ва 12,4%га қарши. Бундан келиб чиқадики, ўт йўлини билиодигестив анастомозни шакллантириб кесиш фақатгина ўсма жараёнининг I типиди локализацияси билан I-II босқичларида радикал характер касб этади.

ЎЙПЎ нинг бошқа локализациялари ва босқичлари учун бу амалиёт шартли радикалликка эга. Жигарни ўт йўли билан бирга кесиш ва билиодигестив анастомозни шакллантиришдан кейин яшаб қолишнинг таҳлили босқичлардан келиб чиқиб статистик ишончли фарқни кўрсатди

($p=0,027$). Энг яхши натижалар II босқичида аниқланди. 3 ва 5 йиллик яшаб қолиш 92,8%, 64,5% ва 32,2% ни ташкил этди. Бу кўрсаткич ЎЙПЎ нинг ушбу босқичида фақатгина ўт йўлини кесишда юқори.

5 йиллик яшаб қолиш фақатгина II босқичида аниқланди. Бироқ, ЎЙПЎ нинг кечки босқичларида натижалар ўт йўлини ажратиб кесишга (3 йиллик яшовчанлик ушбу босқичида йўқ) нисбатан яхшироқ (3 йиллик яшовчанлик 33,3%-41,6%ни ташкил этди).

ХУЛОСА

1. УТТ экспресс усул ҳисобланиб, ўт йўллари проксимал ўсмаси диагностикаси аниқлиги 59,1% ташкил этди. Усулнинг сезгирлиги 71,1%, спецификлиги эса 45,8%ни ташкил қилди. Рангли карталаш билан дуплекссонография ва контрастли кучайтириш ёрдамида МСКТ топик ва дифференциал ташхислаш аниқлигини 93%гача оширади.

2. Ўт йўллари проксимал ўсмасининг тарқоқ шакллари ва механик сариклик, ўсма интоксикацияси билан боғлиқ бўлган дастлаб оғир ҳолдаги беморларда ўт йўллари тери орқали жигар орқали дренажлаш ва имкони бўлса эндопротезлаш йўли танлов усули бўлиб ҳисобланади (яшаб қолиш медианаси 6,5 ойгача).

3. Амалиёт вақтида резекция бажариб бўлмайдиган ўсма аниқланган беморларда билиодигестив анастомоз шакллантириш паллиатив хирургик амалиётнинг танлов усули бўлиб, жигар орқали найчалаш эса асоратлар сонини камайтириш ва ҳаёт давомийлигини узайтириш имконини беради (яшаб қолиш медианаси 12,1 ойгача).

4. Ўт йўллари проксимал ўсмасида радикал амалиётлар ўсма жараёнининг I–II босқичларида ва Bismuth–Corlett бўйича I, II ва баъзида III типларида бажарилиши мумкин. Жигар резекцияси ва жигар ўт йўллари кенгайтирилган резекцияси ва билиодигестив анастомоз шакллантириш амалиётлари энг самарали ҳисобланади (яшаб қолиш медианаси 26,1 ой; кумулятив – 1, 2, 3, ва 5 йиллик яшаб қолиш, тегишли равишда, 83,3%, 58,3%, 50,0% ва 25,0%).

5. Кучли холестаза бўлган беморларда икки босқичли хирургик даволаш (билиар йўллари тери орқали декомпрессиялаш ва радикал амалиёт) 61,2% ҳолатда амалга оширилиши амалиётдан кейинги ўлим кўрсаткичини 21,9% дан 10,5% гача пасайтирди.

6. Юқори сезгир ва специфик текширув усуллари мужассам этган даволаш-ташхислаш алгоритми ўсма жараённи анча эрта аниқлаш, унинг тарқоқлигини баҳолаш имконини беради ва резекция қилиш имконияти кўрсаткичларини 5%дан 15%гача оширади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА и ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ
АКАДЕМИИ по ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА**

ОМОНОВ ОЙБЕК АВАЗХОНОВИЧ

**ВЫБОР ОПТИМАЛЬНОЙ ЛЕЧЕБНО-ДИАГНОСТИЧЕСКОЙ
ТАКТИКИ У БОЛЬНЫХ С ПРОКСИМАЛЬНЫМИ ОПУХОЛЯМИ
ЖЕЛЧНЫХ ПРОТОКОВ**

14.00.27 - Хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ - 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.1.PhD/Tib105.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Акбаров Миршавкат Миролимович**
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты: **Гофур-Охунов Мирза Алиярович**
доктор медицинских наук, профессор

Арипова Назира Уктамовна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Федеральное государственное бюджетное учреждение «Национальный медицинский исследовательский центр хирургии имени В.А Вишневецкого» (Российская Федерация)**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул.Кичик халка йули,10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за №32). Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от _____ 2018 года).

Ф.Г. Назиров

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.м.н., профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.м.н.

А.В. Девятков

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней
д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения «опухоли проксимальных отделов желчных протоков (ОПЖП) составляют 10-26% от всех злокачественных поражений желчных протоков. Частота встречаемости варьирует от 2 до 8 на 100 тыс. населения»¹. Впервые клинические проявления опухолей с локализацией в воротах печени были описаны в 1957 г. В 1965 г. немецкий морфолог Клатскин (Gerald Klatskin) опубликовал большое число наблюдений больных «раком общего печеночного протока и его бифуркации»². По данным различных источников «летальность у больных с ОПЖП составляет от 10,2 до 38%, 5 летняя выживаемость после радикальных операций составляет не более 22%»³. В связи с этим все более остро ощущается потребность в пересмотре традиционных подходов к ведению этого крайне тяжелого контингента больных.

